

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12 Tib.17.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУМАНОВА ГУЛЧЕХРА ЭШМАМАТОВНА

ҲОМИЛА ИЧИ ИНФЕКЦИЯСИДАН ВАФОТ ЭТГАН
ЧАҚАЛОҚЛАР БУЙРАК УСТИ БЕЗИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ
МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.15 –Патологик анатомия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Джуманова Гулчехра Эшмаматовна

Ҳомила ичи инфекциясидан вафот этган чакалоқлар буйрак усти
безидаги ўзгаришларнинг морфологик хусусиятлари..... 5

Джуманова Гулчехра Эшмаматовна

Морфологическая характеристика изменений надпочечников у
младенцев, умерших от внутриутробной инфекции..... 27

Djumanova Gulchekhra Eshmamatovna

Morphological characteristics of changes in the adrenal glands of babies
who died from intrauterine infection..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 54

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12 Tib.17.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУМАНОВА ГУЛЧЕХРА ЭШМАМАТОВНА

**ҲОМИЛА ИЧИ ИНФЕКЦИЯСИДАН ВАФОТ ЭТГАН
ЧАҚАЛОҚЛАР БУЙРАК УСТИ БЕЗИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ
МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.15 –Патологик анатомия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссияси В2025.1.PhD/Tib5529 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эшбаев Эркин Абдухалимович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Маллаев Максуд Мухамадиевич
тиббиёт фанлари доктори

Тагайкулов Эркинжон Холикулович
тиббиёт фанлари номзоди, доцент
(Тожикистон Республикаси)

Етакчи ташкилот:

Андижон Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети хузуридаги DSc.06/2025.27.12 Tib.17.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри.Амир Темур кўчаси 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233-3034))

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри.Амир Темур кўчаси 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233-3034))

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2026 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.Э.Гастанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А.Ким

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Ф.М.Хамидова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бутун дунёда бугунги кунга қадар перинатал патологияларни бартараф қилиш бўйича улкан самарадорликларга эришилишига қарамасдан ҳомила ичи инфекцияси ҳозирги замон тиббиётининг ўта муҳим ва ечими мураккаб бўлган муаммолардан бири ҳисобланиб, ҳомиланинг ва янги туғилган чақалоқларнинг касалликларини хавfli саналган сабабларидан бири бўлиб қолмоқда (Кузьмин В.Н., Адамян Л.В., 2017; Сахетдурдыев Ш.А. ва бошқ., 2023). Муаллифларнинг таъкидлашича “...ҳомила ичи инфекциялари, жумладан, токсоплазмоз нафақат ўлимга, айниқса, перинатал даврда, балки баъзи ҳолларда туғма нуқсонлар ва сурункали касалликлар туфайли оғир асоратларга олиб келади...”¹. Янги туғилган чақалоқлар ичида ҳомила ичи инфекцияси туфайли рўй берадиган ўлим кўрсаткичи 11-45% ни ташкил қилади. Ҳомила ичи инфекциясини тарқалиши 10-15% га етиши мумкин, ҳомила ичи инфекцияси билан зарарланиш эса 6 дан 53% гача, эрта туғилган чақалоқлар орасида 70% га етади. 37% ҳолларда янги туғилган чақалоқларнинг ўлимининг сабаби юқумли патология ҳисобланади. Ҳомила ичи инфекциялари 3-5% ҳолатларда диагностика қилинади (Кравченко Е.Н., Куклина Л.В., 2022).

Ҳомила ичи инфекциялари таркибида *Toxoplasma gondii* томонидан чақириладиган туғма токсоплазмоз алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ушбу касаллик ҳомиладорлик даврида юқори хавф туғдиради ва марказий асаб тизими, кўз тузилмалари, жигар каби аъзолар, шунингдек йўлдошда жиддий морфологик ўзгаришларга олиб келади (Ядгарова Н.Т. ва бошқ., 2025; Givens D et.al., 2021; Keller E. et.al., 2021). Шу билан бирга, токсоплазмоз шароитида эндокрин тизим аъзолари, хусусан, буйрак усти безининг неонатал даврдаги морфофункционал ҳолати ҳанузгача етарли даражада ўрганилмаган.

Маълумки, буйрак усти бези ҳомила-йўлдош-она тизимида муҳим гормонал ва адаптацион рол ўйнаб, стресс-реакциялар, иммун жавоб ва метаболик жараёнларни бошқаришда муҳим ўрин тутди. Илмий адабиётларда айрим инфекцион касалликларда, жумладан, одам иммун танқислиги синдроми ва цитомегаловирус инфекциясида буйрак усти бези пўстлоқ қисмида морфологик қайта қурилишлар, ҳужайралар зичлигининг камайиши, цитодеструктив ва микрокистоз ўзгаришлар кузатилиши қайд этилган (Шерстюк С.А., Сорокина И.В., 2017; Холоднова Н.В. ва бошқ., 2019; Хижак Я.Р. ва бошқ., 2024). Бироқ, ушбу маълумотлар асосан бошқа инфекцион омиллар доирасида олинган бўлиб, туғма токсоплазмоз шароитида янги туғилган чақалоқлар буйрак усти безида юзага келадиган морфологик ўзгаришлар ва уларнинг морфофункционал аҳамияти ҳақидаги маълумотлар адабиётларда фрагментар характерга эга.

¹ Кравченко Е.Н., Куклина Л.В. Особенности анамнеза и течения беременности при задержке роста плода // Журнал проблемы репродукции. 2022;28 (5): 72-78.

Шу муносабат билан, туғма токсоплазмоз шароитида янги туғилган чақалоқлар буйрак усти беши тузилмаларининг морфологик ва морфофункционал хусусиятларини ўрганиш, инфекциянинг патогенетик механизмларини очиқ бериш ҳамда перинатал патологияларда эндокрин тизим иштирокига оид янги илмий маълумотларни шакллантириш мазкур диссертация ишининг долзарблиги ва илмий заруриятини белгилайди.

Мамлакатимиз миқёсида тиббиёт соҳасини ривожлантиришнинг тиббий тизимни жаҳон андозаларига мослаштириш, жумладан, ҳомила ичи инфекциялари натижасида юзага келган ўлимни эрта аниқлаш юзасидан муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мулжаллаган Янги Ўзбекистон тараққиётининг стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, токсоплазмозли инфекцияда чақалоқлар буйрак усти беши тузилмаларидаги ўзгаришларни аниқлаш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги, 2018 йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ги, 2020 йил 12-ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва Соғлиқни Сақлаш Тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонлари ва 2019 йил 6-майдаги ПҚ-4310-сон “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2020 йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги, 2021 йил 25-майдаги ПҚ-5124-сон “Соғлиқни Сақлаш Соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги, 2021 йил 28-июлдаги ПҚ-5199-сон “Соғлиқни Сақлаш Соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI.«Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Бир гуруҳ тадқиқотчилар томонидан ҳомила йўлдошида ҳомила инфекцияси туфайли морфологик ўзгаришлар келиб чиқишини гистологик усулларда ўрганишган. Уларнинг берган маълумотларига кўра, ҳомила ичи инфекциясида йўлдошнинг зарарланиши ва қон айланишинининг етишмовчилиги 100% ҳолатда, сўрғичлари капиллярларининг редукцияси 34,3% ҳолатда, спиралсимон артерияларда қон айланишининг бузилиши 42% ҳолатда, йўлдошнинг гипоплазияси 53% ҳолатда ва она ва ҳомила ўртасидаги қон айланишининг ўткир ва сурункали бузилишлари 30,2% ҳолатда кузатилган (Посисеева Л.В., Киселева О.Ю., Глик М.В., 2017).

П.И. Насонов ва ҳаммуаллифлари томонидан (2017) туғма токсоплазмоз билан туғилган чақалоқларнинг бош миясидаги ўзгаришларни аниқлаш юзасидан илмий изланишлар олиб борган. Унга кўра, гистологик текширув мияда кўплаб микрокristаларни аниқлади, уларнинг баъзилари "гранулалар шарчалари" ва экссудат билан тўлиши кузатилди. Киста деворлари цитоплазмасида мия тўқимасининг парчаланиш маҳсулотларини ўз ичига олган макрофаглар мавжудлиги қайд этилган. Шунингдек, мия тўқимасида, периферияда кўпаювчи глиал хужайрали элементлар билан ўралган бир нечта кичик некроз ўчоқлари топилади. Бундан ташқари, токсоплазмоз инфекцияси билан туғилган чақалоқлар жигарида интерстициал гепатитга хос бўлган морфологик ўзгаришлар кузатилди. Иккала кўзда ҳам ретинал ангиопатия, кератопатия, шох парда дистрофияси ва кристалли линзалар ва шишасимон тананинг хираланиши ҳам аниқланди (Насонов П.И., Винник Н.И., Старченко И.И., Совгиря С.Н., Филенко Б.Н., 2017).

Кўпчилик илмий изланувчилар токсоплазмоз инфекцияси билан туғилиб вафот этган чақалоқларнинг аутопсия материалининг гистологик текшируви натижасида бронхопулмонар дисплазия, фокал интерстициал миокардит, маҳсулдор некротик менингоенцефалит, периферия бўйлаб кальцификация ва мия тўқимаси некрози ўчоқлари, фокал грануломатоз-маҳсулдор гепатит ривожланишини аниқлашган (Зверева И. С., Климентьев В. В., Товажнянская В. Д., Сакал А. А., 2021).

Ўзбекистонда бир гуруҳ тадқиқотчилар томонидан ўтказилган тадқиқотларда марказий асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўлган 19 янги туғилган чақалоқларда ҳомила ичи инфекцияларнинг куйидаги нозологик шакллари аниқланди: бта (31,6%) янги туғилган чақалоқларда цитомегаловирус, 5тасида (26,3%)-герпес вируси, 6 тасида (31,6%) - токсоплазмоз аниқланди ва 2 тасида (10,5%)-хламидия инфекцияси аниқланган (Набиева Ш.М., 2024). Шунингдек, олиб борилган бир қатор илмий изланишлардан келиб чиққан натижалари шуни кўрсатадики, янги туғилган чақалоқларда ҳомила ичи инфекцияларининг мавжудлиги янги туғилган чақалоқнинг ҳолатига ва унинг марказий асаб тизимининг перинатал зарарланишининг кечиш хусусиятларига таъсир қилади. Бундан ташқари, мамлакатимиз тадқиқотчилари ҳомила ичи инфекциялари қаторига кирувчи цитомегаловирусли инфекцияни она ва чақолоқ аъзоларига таъсирини ўрганишган (Хазраткулова М. И., Дильмурадова К. Р., 2023). Бундан ташқари, акушерлик ва неонатология йўналишларида Н.Н. Ядгарова (2023), Е.А.

Шомансурова, Б.Б. Бекчанова (2023), М.Қ. Абдуқодирова (2025), З.Ж.Рахманкулова (2025), М.М.Асатова (2025), Ш.Ш. Бердиярова (2025) томонидан ҳомила ичи инфекциялари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Шундай қилиб, мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш туғма токсоплазмоз шароитида асосан марказий асаб тизими, тимус, ўпка, юрак, жигар ҳамда кўз тузилмаларида кузатиладиган морфологик ўзгаришлар етарлича ёритилганини кўрсатади. Бироқ эндокрин тизим аъзолари, хусусан, буйрак усти безининг морфологик хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар сони жуда чекланган. Айниқса, янги туғилган чақалоқларда туғма токсоплазмоз шароитида буйрак усти беzi тузилмаларининг морфологик ва морфофункционал ҳолати, уларнинг етилиш даражаси ҳамда яшаш муддатлари билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари илмий манбаларда тизимли равишда ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 5436 №012400288 «Перинатал патологияда ички аъзолар ва бош миёдаги ўзгаришларнинг морфологик жиҳатлари» (2024-2028 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Ишнинг мақсади: Токсоплазмоз инфекциясидан вафот этган чақалоқлар буйрак усти безларида ривожланадиган патоморфологик ўзгаришларни аниқлашдан иборат.

Илмий тадқиқот вазифалари:

1. Токсоплазмоз инфекциясидан вафот этган етилмай туғилган чақалоқлар буйрак усти безларидаги ўзгаришларларни патоморфологик ва морфометрик жиҳатларини ўрганиш;

2. Токсоплазмоз инфекциясидан вафот этган етилиб туғилган чақалоқлар буйрак усти безларидаги ўзгаришларларни патоморфологик ва морфометрик жиҳатларини баҳолаш;

3. Токсоплазмоз инфекциясидан эрта ва кечки неонатал даврларда вафот этган чақалоқлар буйрак усти безларидаги патоморфологик ва морфометрик ўзгаришларни аниқлаш;

4. Олинган натижалар асосида буйрак усти безларидаги патоморфологик ўзгаришларни инобатга олган ҳолда илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Токсоплазмоз инфекциясида вафот этган 135 нафар чақалоқлар буйрак усти беzi тўқимасидан олинган бўлакчалар. Тадқиқотимизда 20 нафар юрак туғма нуқсонидан вафот этган чақалоқлар буйрак усти беzi назорат гуруҳи учун олинди.

Тадқиқот предмети. Токсоплазмоз инфекциясидан вафот этган чақалоқлар буйрак усти безининг бириктирувчи тўқимали капсуласи, пўстлок ва мағиз моддаси тузилмалари келган морфологик, морфометрик ўзгаришлар таҳлили натижалари маълумотлари олинган.

Тадқиқот усуллари. Токсоплазмоз инфекциясидан вафот этган чақалоқлар буйрак усти беziдаги морфологик ўзгаришларни баҳолашда

анамнестик, макроскопик, микроскопик, гистокимёвий, морфометрик ва статистик таҳлил усуллари ўтказилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

-токсоплазмоз инфекциясидан вафот этган етилмай туғилган чақалоқлар буйрак усти беши капсуласи соҳасида адипоцитларнинг тўпланиши, шунингдек пўстлоқ ва мағиз моддаларида некротик ўзгаришлар майдонининг туғилиш муддатларига мутаносиблиги исботланган;

-токсоплазмоз инфекциясидан вафот этган етилиб туғилган чақалоқлар буйрак усти беши капсуласида склеротик ўзгаришларнинг ошиб бориши ҳамда безнинг копточчали, тутамли ва тўрсимон зоналари хужайраларида дистрофик ва некробиотик ўзгаришларга нисбатан некротик жараёнларнинг устунлик қилиши асосланган;

-токсоплазмоз инфекциясидан эрта ва кечки неонатал даврларда вафот этган чақалоқлар буйрак усти беши тузилмаларида некротик ва склеротик ўзгаришларнинг кечки неонатал даврда кучлироқ намоён бўлиши асосланган;

-токсоплазмоз инфекциясига чалинган чақалоқларда туғилиш муддати ва яшаган даври узайиши билан буйрак усти беши қон томирлари деворида склеротик ўзгаришларнинг кучайиши, бу эса безнинг қон билан таъминланишини бузилиши ҳамда пўстлоқ ва мағиз модда хужайраларида деструктив ўзгаришларни ривожланишига олиб келиши морфологик жиҳатдан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

Ҳомиладорлик даврида токсоплазмоз инфекциясининг ҳомилага тўғридан-тўғри ўтиши ва турли патрологиялар келиб чиқишини олдини олиш мақсадида токсоплазмоз инфекциясини эрта ташхислаш ва даволаш самарадорлигининг динамикасини олиб бориш лозимлиги таъкидланган;

Токсоплазмоз инфекцияси билан туғилган чақалоқлар буйрак усти бешидаги ўзгаришлари нафақат инфекция, балки уларнинг туғилиш ва яшаш муддатларига мутаносиб морфологик ўзгаришлар келиб чиқишини назарда тутган ҳолда даволаш чораларини амалга ошириш зарурлигига урғу берилган;

Токсоплазмоз инфекциясидан вафот этган чақалоқлар тантогенезида етилмай ва етилиб туғилган ва эрта ҳамда кечки неонатал даврда буйрак усти бешидаги морфологик ўзгаришларга патоморфологлар томонидан аълоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳомила ичи инфекциясидан вафот этган чақалоқлар буйрак усти беши тузилмаларининг ўзгариш жиҳатлари бўйича қиёсий морфологик таққослаш орқали бугунгача маълум бўлган маълумотларни тўлдириш билан изоҳланади. Худди шу маълумотлар ҳомила ичи инфекцияси билан туғилган чақалоқлар буйрак усти беши тузилмаларидаги патоморфологик ўзгаришларни аниқлашда фойдали бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юқоридаги тузилмаларни ўрганишдан олинган натижалар ҳомила ичи инфекциясидан вафот этган чақалоқлар буйрак усти беши тузилмаларининг зарарланиш жиҳатлари патологоанатомик диагнозни асослашда қўшимча дифференциал-диагностик

мезонлар ишлаб чиқилиши билан шунингдек, олинган натижалар ҳомила ичи инфекциясидан вафот чақалоқларда буйрак усти беши тузилмаларидаги патоморфологик ўзгаришларни ишончли тарзда аниқлаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, етарли даражада материал танланганлиги, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик, морфометрик, статистик усуллар асосида токсоплезмоз инфекциясидан вафот этган янги туғилган чақалоқлар буйрак усти тузилмаларидаги ўзгаришларни морфологик хусусиятларини аниқлашнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳомила ичи инфекциясидан вафот этган чақалоқлар буйрак усти беши тузилмаларидаги ўзгаришларнинг морфологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: токсоплазмоз инфекциясидан вафот этган етилмай туғилган чақалоқлар буйрак усти беши капсуласи соҳасида адипоцитларнинг тўпланиши, шунингдек пўстлоқ ва мағиз моддаларида некротик ўзгаришлар майдонининг туғилиш муддатларига мутаносиблиги исботланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгашининг 2025 йил 28 майда 10–сон билан тасдиқланган «Ҳомила ичи инфекциясидан вафот этган чақалоқлар буйрак усти бешидаги патоморфологик ўзгаришларни аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти патологик анатомия буюроси бўйича 20.06.2025 №36 сонли ва Республика Шошилишч Тиббий Ёрдам Илмий Маркази Навоий филиали патологик анатомия бўлими бўйича 02.06.2025 й. №32 сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 сентябрдаги 08/23-сон хулосаси).

Ижтимоий самарадорлиги: тавсия этилган услубларнинг патологик анатомия амалиётга жорий этилиши натижасида, ҳомила ичи инфекциясидан вафот этган чақалоқлар буйрак усти беши қаватларидаги морфологик ўзгаришларнинг патологоанатомик текширувларга доир хулосаларининг сифати оширилган, уларнинг ишончилиги ва асосланганлиги таъминлаган.

Иқтисодий самарадорлиги: мазкур патологияни текшириш учун сарфланадиган 48000 сўм бюджет маблағлари (анъанавий усулнинг ўртача нархи 126000 сўм, тавсия этилган усулнинг нархи 76000 сўмни ташкил қилади) тавсия этилган усулдан фойдаланиш орқали патологоанатомик текширув вақтини 6-7 кундан 3-3,5 кунгача қисқартириш натижасида иқтисод қилинади; *иккинчи илмий янгилик:* токсоплазмоз инфекциясидан вафот этган етилиб туғилган чақалоқлар буйрак усти беши капсуласида склеротик ўзгаришларнинг ошиб бориши ҳамда безнинг коптокчали, тутамли ва тўрсимон зоналари

хужайраларида дистрофик ва некробиотик ўзгаришларга нисбатан некротик жараёнларнинг устунлик қилиши асосланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгашининг 2025 йил 28 майда 10–сон билан тасдиқланган «Ҳомила ичи инфекциясидан вафот этган чақалоқлар буйрак усти безидаги патоморфологик ўзгаришларни аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти патологик анатомия буюроси бўйича 20.06.2025 №36 сонли ва Республика Шошинч Тиббий Ёрдам Илмий Маркази Навоий филиали патологик анатомия бўлими бўйича 02.06.2025 й. №32 сонли буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 сентябрдаги 08/23-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тавсия этилган услубларнинг патологик анатомия амалиётига жорий этилиши натижасида, Ҳомила ичи инфекцияси туфайли вафот этган чақалоқлар буйрак усти бези тузилмаларидаги морфологик ўзгаришларнинг патологоанатомик текширувларга доир хулосаларининг сифати оширилган, уларнинг ишончлилиги ва асосланганлиги таъминлаган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур патологияни текшириш учун сарфланадиган 45000 сўм бюджет маблағлари (анъанавий усулнинг ўртача нархи 120000 сўм, тавсия этилган усулнинг нархи 75000 сўмни ташкил қилади) тавсия этилган усулдан фойдаланиш орқали патологоанатомик текширув вақтини 7-8 кундан 3-4 кунгача қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: токсоплазмоз инфекциясидан эрта ва кечки неонатал даврларда вафот этган чақалоқлар буйрак усти бези тузилмаларида некротик ва склеротик ўзгаришларнинг кечки неонатал даврда кучлироқ намоён бўлиши асосланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгашининг 2025 йил 28 майда 10–сон билан тасдиқланган «Ҳомила ичи инфекциясидан вафот этган чақалоқлар буйрак усти безидаги патоморфологик ўзгаришларни аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти патологик анатомия буюроси бўйича 20.06.2025 №36 сонли ва Республика Шошинч Тиббий Ёрдам Илмий Маркази Навоий филиали патологик анатомия бўлими бўйича 02.06.2025 й. №32 сонли буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 сентябрдаги 08/23-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тавсия этилган услубларнинг патологик анатомия амалиётига жорий этилиши натижасида, ҳомила ичи инфекциясида вафот этган чақаларда дистрофик некробиотик ва некротик ўзгаришларни аниқлашнинг сифати оширилган, уларнинг ишончлилиги ва асосланганлиги таъминлаган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур патологияни текшириш учун сарфланадиган 45000 сўм бюджет маблағлари (анъанавий усулнинг ўртача нархи 120000 сўм, тавсия этилган усулнинг нархи 75000 сўмни ташкил қилади) тавсия этилган усулдан фойдаланиш орқали патологоанатомик текширув вақтини 7-8 кундан 3-4 кунгача қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: токсоплазмоз инфекциясига чалинган чақалоқларда туғилиш муддати ва яшаган даври узайиши билан буйрак усти беши қон томирлари деворида склеротик ўзгаришларнинг кучайиши, бу эса бешининг қон билан таъминланишини бузилиши ҳамда пўстлоқ ва мағиз модда хужайраларида деструктив ўзгаришларни ривожланишига олиб келиши морфологик жиҳатдан исботланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгашининг 2025 йил 28 майда 10–сон билан тасдиқланган «Ҳомила ичи инфекциясидан вафот этган чақалоқлар буйрак усти бешидаги патоморфологик ўзгаришларни аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти патологик анатомия буюроси бўйича 20.06.2025 №36 сонли ва Республика Шошилиш Тиббий Ёрдам Илмий Маркази Навоий филиали патологик анатомия бўлими бўйича 02.06.2025 й. №32 сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 сентябрдаги 08/23-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тавсия этилган услубларнинг патологик анатомия амалиётга жорий этилиши натижасида, ҳомила ичи инфекциясидан вафот этган чақалоқлар буйрак усти беши қаватидаги морфологик ўзгаришларнинг чақалоқларнинг яшаган муддати бўйича патологоанатомик текширувларга доир хулосаларининг сифати оширилган, уларнинг ишончилиги ва асосланганлиги таъминлаган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур патологияни текшириш учун сарфланадиган 45000 сўм бюджет маблағлари (анъанавий усулнинг ўртача нархи 120000 сўм, тавсия этилган усулнинг нархи 75000 сўмни ташкил қилади) тавсия этилган усулдан фойдаланиш орқали патологоанатомик текширув вақтини 7-8 кундан 3-4 кунгача қисқартириш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 8 та Халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, IV боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Ҳомила ичи инфекциясидан вафот этган чақалоқлар буйрак усти бези тузилмаларидаги ўзгаришларнинг морфологик жиҳатлари (адабиётлар шархи)**» деб номланган биринчи боби учта кичик бўлимдан ташкил топган бўлиб, ҳомила ичи инфекциясида яқалоқлар буйрак усти бези тузилмаларида бўладиган ўзгаришларни ўрганиш бўйича жаҳон адабиётларидаги маълумотларни батафсил таҳлили натижалари келтирилган. Адабиётлар таҳлили маълумотларнинг чалкашлиги ва турли хиллиги, токсоплазмоз инфекциясида чақалоқлар тузилмаларидаги ўзгаришларни баҳолаш бўйича аниқ тавсиялар йўқлигини кўрсатди. Токсоплазмоз инфекциясида чақалоқлар буйрак усти бези тузилмаларидаги ўзгаришларни уларнинг етилмай туғилганлик, етилиб туғилганлик ва яшаш муддатларига боғлиқ жиҳатлари тўлиқ ўрганилиши кераклиги асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Ҳомила ичи инфекциясидан вафот этган чақалоқлар буйрак усти бези тузилмаларининг морфологиясини баҳолашнинг услубий жиҳатлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти ва предмети ҳақида маълумот берилган. Тадқиқот объекти сифатида Республика оналик ва болалик илмий амалий маркази Самарқанд филиалида токсоплазмоз инфекциясидан вафот этган 135 нафар чақалоқларнинг буйрак усти безлари олинди. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда материаллар куйидаги 3 гуруҳга бўлинди: I-гуруҳ-етилмасдан туғилган чақалоқлар (n=63); II-гуруҳ- етилиб туғилган чақалоқлар (n=43); III-яшаш муддатига кўра тақсимланган чақалоқлар (n=29). Ҳар бир гуруҳ куйидаги кичик гуруҳларга бўлинди: 1. Етилмасдан туғилган чақалоқлар: 1-гуруҳ: 22-27 ҳафталикдан олдин туғилиб вафот этган чақалоқлар (500-999 гр(n=12)); 2-гуруҳ: 28-32 ҳафталикда туғилиб вафот этган чақалоқлар (1000-1499 гр(n=22)); 3-гуруҳ: 32-36 ҳафталикда олдин туғилиб вафот этган чақалоқлар (1500-1999 гр; 2000-2499 гр (n=29). 2. Етилиб туғилган чақалоқлар: 1-гуруҳ: 37-38 ҳафталик (n=15); 2-гуруҳ: 39-40 ҳафталик (n=14));3-гуруҳ: 41-42 ҳафталик (n=14). 3. Чақалоқларнинг яшаш муддатлари бўйича: 1-гуруҳ: 7 кунгача (эрта неонатал давр (n=16)); 2-гуруҳ: 8-28 кун (кечки неонатал давр (n=13)). Бундан ташқари, назорат гуруҳи сифатида юрак нуқсони туфайли вафот этган 20 нафар чақалоқларнинг буйрак усти бези ўрганилди.


Тадқиқотимизга танлаб олинган 3 гуруҳ объектларда ҳам буйрак усти беши тузилмаларининг морфологик ва морфометрик жиҳатлари ўрганилди. Бунда махсус гистологик текшируви учун материал аутопсия жараёнида олинган секцион материаллардан буйрак усти безидан 1x1x0,5 см ўлчамдаги тўқима бўлакчалари олинди. Олинган тўқима бўлакчалари аввал 10% нейтрал формалинда қотирилди, спиртли батарея орқали ўтказилди, парафинли блоklar тайёрланди. Блоклардан гистологик қирқмалар тайёрланиб гематоксилин ва эозин, Ван-гизон, Вейгерт усуллари билан бўялди. Буйрак усти безининг пўстлоқ (коптокчали, тутамли, тўрсимон) ва мағиз қаватлари тузилмалари, хужайралараро шиш, турли калибрли қон томирлар ҳолати баҳоланди. Морфометрик текширувлар Г.Г. Автандилов томонидан тавсия этилган 100 нуқтали тўр усулида амалга оширилди. Морфометрик таҳлил микроскопнинг х20 объектив ва 10 окуляр катталаштирилишида камида 3 та қўрув майдонида амалга оширилди. Пўстлоқ ва мағиз модда хужайралари, хужайралараро шиш, қон томир девори ва бўшлиғига тўғри келган нуқталар сони ҳисобланди. Шунингдек эндокриноцитлар, склеротик тўқима элементлари окуляр микрометр ёрдамида ўлчанди.

Морфометрик кўрсаткичларининг ишончилиги (t), кўрсаткичлар минимал хатоси (m) ва асослилик даражаси (p) аниқланди.


Диссертациянинг «**Ҳомила ичи инфекциясидан вафот этган чақалоқлар буйрак усти беши тузилмаларидаги морфологик жиҳатлари**» деб номланган учинчи бобида токсоплазмоз инфекциясидан вафот этган етилмай туғилган, етилиб туғилган ва эрта ва кечки неонатал даврида вафот этган чақалоқлар буйрак усти беши тузилмаларидаги морфологик ўзгаришлари келтирилган.



1-расм. Токсоплазмоз инфекциясида чақалоқлар буйрак усти безининг пардасида тўп-тўп бўлиб жойлашган адипоцитлар. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10



2-расм. Токсоплазмоз инфекциясида чақалоқлар буйрак усти безининг коптокчали қисми кубсимон адренортикоцитларининг дистрофик ўзгаришлари. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10




3-расм. Токсоплазмоз инфекциясида буйрак усти безининг мағиз қавати адренолиноцитлар ва норадренолиноцитларнинг дистрофик ўзгаришлари. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10


Токсоплазмоз инфекциядан 22-27 хафталикда вафот этган, тана вазни 500-999 грамм бўлган, етилмай туғилган чақалоқлар буйрак усти беши бириктирувчи тўқимали пардаси қалинлашган, бириктирувчи тўқима

шишинган, унинг оралиқларида жойлашган адипоцитларнинг тўп-тўп бўлиб жойлашганлиги, қон томирлари тўлақонли, диапедез қон қуйилишлар аниқланди (1-расм). Буйрак усти безининг пўстлоқ моддаси коптокчли зонасида жойлашган кубсимон адренортикоцитлар дистрофик, кўплаб хужайраларида некробиотик, айрим хужайраларда некротик ўзгаришлар кузатилди. Тутамли зонасининг кубсимон ва призматик эндокриноцитлари ядросида кариопикноз ва кариорексис ҳолати аниқланади (2-расм). Тўрсимон зонасидаги эндокриноцитлар сийрак жойлашган бўлиб, айрим хужайраларда кариолизис жараёни қайд этилади. Буйрак усти безининг мағиз моддасида адренолиноцитлар ва норадреналиноцитлар сийрак ҳолатда жойлашганлиги аниқланди (3-расм).


Токсоплезмоз инфекциясидан 28-31 ҳафталикда вафот этган, вазни 1000-1499 грамм бўлган, етилмай туғилган чақалоқлар буйрак усти бези бириктирувчи тўқима толалари ва уларнинг оралиқлари шишинган, бириктирувчи тўқиманинг турли соҳаларида адипоцитларнинг миқдори ошиши аниқланади (4-расм). Шунингдек, буйрак усти бези қобиғининг қон томирлари тўлақонли, диапедез қон қуйилишлар ва деворида склеротик ўзгаришлар аниқланади (5-расм). Пўстлоқ моддаси коптокчали зонасининг кубсимон адренортикоцитлар цитоплазмасида гидропик дистрофия ва ядросининг шишинганлиги, маълум гуруҳ хужайраларида кариолизис ва цитолиз кўзга ташланади (6-расм).



4-расм. Буйрак усти безининг пардасида тўп-тўп бўлиб жойлашган адипоцитлар. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10



5-расм. Буйрак усти бези капсуласида диапедез қон қуйилишлар. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10




6-расм. Кубсимон адренортикоцитлар да дистрофик ва некротик ўзгаришлар. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10


Тутамли зонасининг кубсимон ва призматик эндокриноцитларда некробиотик ўзгаришлар устунлиги кузатилади. Айрим хужайраларининг ядроси аниқланмайди. Тўрсимон зонасидаги сийрак жойлашган эндокриноцитларда дистрофик ўзгаришлар Айрим эндокриноцитларда некробиотик ва некротик ўзгаришлар қайд этилди. Буйрак усти безининг пўстлоқ моддасига яқин жойлашган адренолиноцитлар ва норадреналиноцитларнинг некроз аниқланади.

31-36 ҳафталикда туғилган тана вазни ўртача 1500-1999 ва 2000-2499 граммни ташкил этган чақалоқларнинг буйрак усти бези бириктирувчи тўқимали пардаси кўпроқ қалинлашган, оралиқларида жойлашган

адипоцитларнинг миқдори ортган (7-расм). Буйрак усти безининг пўстлоқ моддаси коптокли зонасида жойлашган кубсимон адренкортикоцитлар гидропик дистрофия аниқланди. Уларнинг оралиқларида цитолиз ҳолатидаги хужайралар топилди (8-расм). Тутамли қавати кубсимон ва призматик эндокриноцит хужайраларининг цитоплазмаси ва ядросида шишиниш қайд этилди (9-расм). Айрим хужайралар ядросининг кариопикнози, кариорексиси ва кариолизиси аниқланади. Кўплаб хужайраларнинг яроси кўринмайди.



7-расм. Буйрак усти безининг қобигида жойлашган адипоцитлар. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10




8-расм. Буйрак усти безининг пўстлоқ моддаси кубсимон адренкортикоцитлар да дистрофик ва некротик ўзгаришлар. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10




9-расм. Буйрак усти безининг дастали қаватининг дистрофик ва некротик ўзгаришлари. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10


Тўрсимон зонасидаги эндокриноцитлар сийрак жойлашган бўлиб, аксарият хужайраларнинг ядроси кўринмайди, плазмолиз ҳолати қайд этилиши ҳисобига уларнинг бўймайиши кузатилди. Хужайралараро кучли шишиниш қайд этилди. Мазкур гуруҳдаги чақалоқлар буйрак усти безининг мағиз моддасида адренолиноцитлар ва норадреналиноцитлар сийрак ҳолатда, хужайраларни бири-бирдан ажралганлиги кўзга ташланади. Пўстлоқ қисмига яқин жойлашган хужайралар некроз қайд этилиб, пўстлоқ ва мағиз моддаси ўртасидаги чегара контурининг ўзгарганлиги, яъни хиралашганлиги кузатилди.



10-расм. Токсоплазмозли инфекцияда буйрак усти безининг пардаси толалари оралиқларидаги адипоцитлар. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10



12-расм. Токсоплазмозли инфекцияда буйрак усти безининг коптокчали қаватидаги гидропик дистрофия. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10




11-расм. Токсоплазмозли инфекцияда буйрак усти безининг пардаси қон томирлари склерози. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10

Токсоплазмоз инфекциясидан вафот этган (етилиб туғилган) 37-38 хафталик чақалоқлар буйрак усти беши пардаси қалинлашган, бириктирувчи


тўқима толалари ва оралик тўқимаси шишинган, унинг ораликларида жойлашган адипоцитларнинг миқдори ортганлиги қайд этилди (10-расм). Қон томирлари деворлари қалинлашган, нотекис тўлақонли, диапедез қон қуйилишлар ўчоқларининг кўплиги аниқланди (11-расм). Буйрак усти безининг пўстлоқ моддаси коптокчларида жойлашган кубсимон адренортикоцитлар цитоплазмаси гидропик дистрофия, ядросида шишиниши аниқланди (12-расм).

Буйрак усти безининг тутамли зонасида кубсимон эндокриноцитлар ядросида кариопикноз ва кариорексис ҳолати қайд этилди. Аксарият хужайраларнинг кариолизис ва кўрув майдонининг айрим соҳаларида цитолиз жараёни кузатилди. Призматик эндокриноцитларда шишиниш ва кариорексис ҳолати аниқланса, айрим хужайраларнинг ядроси кўзга ташланмайди. Тўрсимон зонасидаги эндокриноцитлар сони камайган бўлиб, айрим хужайраларда кариолизис ва цитолиз жараёни қайд этилди. Буйрак усти безининг мағиз моддасида адренолиноцитлар ва норадреналиноцитлар цитоплазмасида шишиниш ва аксарият хужайраларда некротик ўзгаришлар аниқланади. Пўстлоқ моддасига яқин жойлашган соҳаларда некроз ҳолатидаги хужайралар кўплиги қайд этилди. Хужайралар ораликларида турли ҳажмдаги бўшлиқчалар шаклланганлиги кузатилди.


39-40 хафталикларда туғилган чақалоқларнинг буйрак усти беги бириктирувчи тўқимали пардаси қалинлашган, бириктирувчи тўқима шишинган, унинг ораликларида жойлашган адипоцитларнинг катта майдонларга тарқалиши қайд этилади (13-расм). Қон томирлари деворида склеротик жараёнлар ривожланганлиги кузатилди. Скелероз ҳолатидаги қон томирларнинг нотекис тўлақонлиги, тарқоқ диапедез қон қуйилиш ўчоқлари аниқланди (14-расм). Буйрак усти безининг пўстлоқ моддаси коптокчли зонасида жойлашган кубсимон адренортикоцитлар цитоплазмаси шишинган ҳолатда, ядросида кариопикноз ва кариорексис, аксарият хужайраларда кариолизис ҳолати кузатилди. Аксарият хужайралар цитолиз ҳолатида бўлиб уларнинг ўрнида майда ўлчамли бўшлиқчалар шаклланганлиги аниқланди (15-расм). Мазкур некротик жараён тутамли зонага ҳам тарқалиши қайд этилди.



13-расм. Буйрак усти безининг пардаси ораликларидаги адипоцитлар. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10



14-расм. Буйрак усти безининг пардаси қон томирлари склерози. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10




15-расм. Буйрак усти безининг коптокчали қаватининг некротик ўзгаришлари. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10

41-42 хафталикларда вафот этган, етилиб туғилган чақалоқлар буйрак усти беши бириктирувчи тўқимали пардаси ораликларида адипоцитларнинг кўп миқдорда жойлашганлиги аниқланди. Бириктирувчи тўқиманинг буйрак усти безининг мағиз моддасига чуқур ўсиб кирганлиги ва кенг майдонни эгаллаганлиги қайд этилди. Қон томирлари нотекис тўлақонли, деворининг склеротик ўзгаришлар ҳисобига қалинлашуви ва бўшлиғининг тройганлиги аниқланди. Уларнинг атрофида диапедез қон қуйилишлар бўлганлиги кузатилди.

Шундай қилиб, токсоплазмоз инфекциясидан вафот этган етилиб туғилган чақалоқлар туғилиш муддатлари ортган сари буйрак усти бешидаги морфологик ўзгаришлар асосан қон томирларнинг склерози, бириктирувчи тўқиманинг буйрак усти беши мағиз моддасига ботиб кириши пўстлоқ ва мағиз моддасининг хужайраларида некротик жараёнларнинг устунлиги қайд этилди.

Токсоплазмозли инфекциясидан эрта неонатал даврда вафот этган чақалоқлар буйрак усти беши бириктирувчи тўқимали пардаси жуда қалинлашиб, буйрак усти безининг қаватларига чуқур ўсиб кирганлиги қайд этилди (16-расм). Бириктирувчи тўқима ораликларида жойлашган адипоцитлар катта майдонларни эгаллаб, буйрак усти безининг пўстлоқ моддасига ҳам тарқалганлиги аниқланади (17-расм). Қон томирлари склеротик ўзгаришлар ривожланган бўшлиғи торайган, диапедез қон қуйилишлар аниқланади (18-расм).



19-расм. Буйрак усти безининг қаватларига бириктирувчи тўқимани чуқур ўсиб кириши. Ван-гизон усулида бўялган. Об.40, ок.10

20-расм. Буйрак усти беши пардасида ҳосил бўлган адипоцитлар. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10

21-расм. Буйрак усти беши қон томирларидаги склеротик жараён ва бўшлиғининг торайиши. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10

Кечки неонатал даврда вафот этган чақалоқлар буйрак усти беши бириктирувчи тўқимали пардаси буйрак усти безининг пўстлоқ ва мағиз моддасигача кенг ва чуқур ҳар хил жойлардан ўсиб кирганлиги қайд этилди. Адипоцитлар буйрак усти безининг пўстлоқ қисмига чуқур ботиб кирганлиги аниқланади. Қон томирлари деворларида склеротик ўзгаришлар, бўшлиғининг торайганлиги, айрим соҳаларда уларнинг деярли бўшлиғининг ёпилганлиги аниқланади. Буйрак усти безининг пўстлоқ моддаси коптокчали зонасида хужайраларнинг ўрнида катта ўлчамдаги бўшлиқлар шаклланган, уларнинг ораликларида сақланиб қолган кам сонли кубсимон адренкортикоцитларда дистрофик ўзгаришлар кузатилди. Буйрак усти безининг пўстлоқ моддаси


тутамли зонасида жойлашган кам сонли кубсимон ва призматик эндокриноцитларда аксариятида тўлиқ некроз ва ўрнида катта бўшлиқлар шаклланганлиги кузатилди. Буйрак усти бези пўстлоқ моддасининг тўрсимон зонасидаги эндокриноцитлар некротик ўзгаришлар ҳисобига сийраклашган, ва ҳар хил катталиқдаги бўшлиқлар ҳосил бўлганлиги кўзга ташланади.

Буйрак усти бези мағиз моддасида жойлашган адреноцит ва ноадреноцитларда некротик ўзгаришлар устунлиги кузатилиб, уларнинг кескин сийраклашганлиги кузатилди. Аксарият ҳужайралар некрозга усраган бўлиб, уларнинг ўрнида бир-бирига қўшилиб кетувчи бўшлиқлар шаклланганлиги қайд этилди. Айрим сақланиб қолган ҳужайралар цитоплазмасида шишиниш, ядросида кариопикноз ҳолати аниқланади. Пўстлоқ моддасига яқин жойлашган соҳаларда ҳам некроз ўчоқлари аниқланиб пўстлоқ ва мағиз моддаси ўртасидаги чегара аниқланмайди.

Шундай қилиб, токсоплазмоз инфекцияси туфайли эрта неонатал даврида вафот этган чақалоқлар буйрак усти безида асосан некротик ўзгаришлар қайд қилиниб, уларнинг оралиқларида кам сонли дистрофик ва некробиотик ўзгаришларга учраган ҳужайралар топилади. Токсоплазмоз инфекцияси туфайли кечки неонатал даврида вафот этган чақалоқлар буйрак усти безида, асосан склеротик ва некротик ўзгаришлар устунлиги кузатилди.

Диссертациянинг «**Ҳомила ичи инфекциясидан вафот этган чақалоқлар буйрак усти бези тузилмаларидаги морфологик ўзгаришларнинг морфометрик жиҳатлари**» деб номланган тўртинчи боби.

Токсоплазмоз инфекциядан 22-27 хафталикда вафот этган, етилмай туғилган чақалоқлар буйрак усти бези қаватларининг морфометрик кўрсаткичлари бир-биридан фарқ қилади. Бунда, буйрак усти бези капсуласи, пўстлоқ қисми (коптокчали, тутамли ва тўрсимон), мағиз моддасининг қалинлиги (1-расм), пўстлоқ моддаси 3 та зонасининг фарқ-тафовутлар аниқланади.




1-Расм. Назорат гуруҳи (n=20) ва токсоплазмоз инфекциясидан вафот этган етилмай туғилган чақалоқлар (n=12) буйрак усти бези қаватларидаги морфометрик ўзгаришларнинг солиштирма таҳлили.

Токсоплазмоз инфекциясидан 22-27 хафталикда етилмай туғилиб вафот этган чақалоқлар буйрак усти бези капсуласининг назорат гуруҳига нисбатан

бироз 4,08 % қалинлашганлиги кузатилади. Пўстлоқ моддаси 2,84 % ва мағиз моддасининг 4,35 % юпқалашганлиги кузатилади.

Токсоплазмоз инфекциясидан 22-27 хафталикда етилмай туғилган чақалоқлар пўстлоқ коптокчали зонасида дистрофик, некротик ва некробиотик ўзгаришлар ҳисобига назорат гуруҳи морфометрик кўрсаткичларига нисбатан 16,39 %, тутамли зонасининг 3,3 % га юпқалашганлиги кузатилади. Тўрсимон зонасидаги некротик ўзгаришлар уларни назорат гуруҳига нисбатан 25 % га юпқалашувиغا олиб келади.

